2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 127 (1188), 2024 йил 28 июнь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ СИФАТИДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ

**Жиззах вилоятининг Зомин туманида 27 июнь куни II Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**






Бу анжуман давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ва биринчи фестиваль 2018 йил Шаҳрисабзда ўтказилган эди. Кейинчалик пандемия туфайли кечиктирилган санъат қурултойи бу йил янгича руҳ ва шукуҳ билан қайтди.

Миллий мақом санъати халқимиз маданий меросининг ажралмас қисмига айланган. У ўзининг узоқ тарихи, теран фалсафий илдизлари, бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда ўзига хос ўринга эга.

Шу жиҳатдан ҳам бу анжуманни нафақат мамлакатимиз ва халқаро майдондаги санъат аҳли, балки халқимиз ҳам катта қизиқиш билан ўтказади.

Ушбу санъат байрами муносабати билан қатор маданий тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Хусусан, Зоминсой мажмуаси ҳудудида мамлакатимизнинг ўн тўрт ҳудудига хос аҳоли турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларини ифода этувчи этнографик шаҳарча-павильонлар барпо этилди. Уларда маданият ва санъатни намойиш этувчи буюмлар ҳам намойиш этилди.

Кичик саҳналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор жамоаларнинг чиқишлари ҳавола этилмоқда. Иштирокчилар мақом санъатига оид турли кўргазмалар, ҳунармандчилик буюмлари, қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари билан танишди.

Ҳудудларнинг қадимий меъморий ёдгорликлари макетлари, табиат неъматлари — мева-чевалар кўргазмаси, самимий суҳбатлар меҳмонларни ҳайратга солади.

*Давоми 3-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambor, сиз, азизларни бетакрор қадрият ва анъаналар юрти бўлган Ўзбекистон заминида иккинчи маротаба ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги тантанамизда ЮНЕСКО Бош конференцияси 42-сессияси президенти Симона Микулеску, АЙСЕСКО Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик, ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Туркий маданият ва мерос фонди президенти Актоти Раимкулова, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси Бош котиби Меҳмет Суреййа Эр, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бош котиби ўринбосари Нурлан Сейтимов, Туркия Республикаси Президентининг бош маслаҳатчиси Ялчин Топчу, Қозоғистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Малик Отарбаев, Тожикистон Республикаси Президентининг ижтимоий ривожланиш, маданият ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси Абдулло Раҳмонзода, Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири Олтинбек Максутов, Озарбайжон маданият вазири Адил Габил ўғли Каримли ва бошқа мухтарам меҳмонларимиз иштирок этаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хуш келибсиз Ўзбекистон заминига!

Қадрли меҳмонлар!

Мазкур анжуман 2018 йилда кўҳна Шаҳрисабзда ўтказилган биринчи халқаро мақом санъати фестивалининг давоми бўлиб, пандемия туфайли вужудга келган олти йиллик танаффусдан сўнг барчамизни янгича руҳ ва шукуҳ билан яна ўзига чорламоқда.

**Буюк ипак йўли дурдонаси — жаннатмакон мамлакатимизнинг гавҳари, сервиқор тоғлар, ям-яшил ўрмонлар, халқпарвар ва олижаноб инсонлар юрти бўлмиш бетакрор Зомин бугун катта санъат байрамига мезбонлик қилмоқда**.

Қадимий Зомин ҳақида кўплаб китоблар, илмий тадқиқотларда батафсил маълумотлар берилган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, “Зомин” атамаси “Авесто”да тилга олинган “Зомёд”, яъни, фаровонлик фариштаси деган ном билан боғлиқ ва милоддан аввалги VII-V асрларга бориб тақалади.

Ноёб археологик топилмалари, забардаст алломалари билан жаҳонга машҳур ушбу ҳудуд кўп асрлар давомида цивилизация бешикларидан бири, илм-фан, санъат ва маърифат маркази бўлиб келган. Жумладан, XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида бу масканда яшаб ижод этган ҳуқуқшунос аллома Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшоний тарихда болалар ҳуқуқлари бўйича биринчи кенг қамровли манба — “Болалар ҳуқуқлари кодекси” (“Жомиъ аҳком ас-сиғор”) номли ноёб асар яратганини катта фахр ва ифтихор билан тилга оламиз.

Бошқача қилиб айтганда, ушбу тарихий асар бола ҳуқуқлари Ғарб цивилизациясидан қарийб олти юз йил муқаддам бугунги Ўзбекистон заминида тўлиқ ўрганилиб, амалга оширилганини кўрсатади.

Бу кўҳна диёр нафақат беқиёс табиат мўъжизаларини, шу билан бирга, буюк маънавий хазина бўлган халқимизнинг бой анъана ва қадриятлари, маданий мероси ва фольклор намуналарини ҳам сақлаб келаётган табаррук заминдир.

Шу ўринда Жиззах вилоятидан Ўзбекистон халқ ҳофизлари Эсон Лутфуллаев ва Орифхон Ҳотамов, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулло Лутфуллаев каби ҳаётбахш ва ўлмас наволари билан халқимиз меҳрини қозонган атоқли ҳофизлар, моҳир бастакорлар етишиб чиққанини ёдга олишни истар эдим.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимизнинг рамзи бўлган мақом санъати теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Мақом — умумбашарий туйғуларни авж пардаларда тараннум этадиган нодир санъат тури сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Шу билан бирга, у ўзида мусиқа, шеърият ва рақс санъатини ажойиб тарзда уйғун этган юксак тафаккур ва инсоний камолот қомусидир. Мақом санъати учун асосий мавзу — энг аввало, шахс, унинг эрки ва қадри, тинчликтотувлик, ҳамжиҳатлик ва умумбашарий тараққиёт ҳисобланади.

Бу мумтоз бадиий обида асрлар мобайнида авлодлар ўртасида руҳий узвийликни сақлаб, инсон маънавий оламини бойитиб, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилиб келмоқда.

Мақом ўзида халқнинг теран руҳияти, эзгу ниятлари, миллий менталитети, сўнмас қадриятларини мужассам этган бўлиб, цивилизация тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Мусулмон Шарқида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида мақом санъати жадал ривожланиб, ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Хусусан, X асрнинг биринчи ярмида Шарқда “Муаллими соний” номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий ўзининг “Катта мусиқа китоби”да мусиқа санъатининг назарий ва амалий мезонларини уд сози орқали мукаммал тартибга келтирган. Буюк мутафаккир Муҳаммад Хоразмий “Илмлар калити” китобининг мусиқага бағишланган қисмида ўша даврдаги мусиқа чолғулари ҳақида аниқ маълумотлар беради. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимиз эса ноёб мусиқий асарлар яратиб, мақом ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар.

XX асрда бу анъаналарни муносиб давом эттирган Абдурауф Фитрат, Виктор Успенский, Юнус Ражабий каби салоҳиятли ва пешқадам санъатшунос олимлар, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Турғун Алиматов, Берта Давидова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимахсумов, Маҳмуджон Тожибоев сингари атоқли ва фидойи устозларнинг унутилмас хизматларини ҳамиша чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз.

*Давоми 2-бетда*

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, йирик саноат объектлари билан танишди, янги лойиҳаларга старт берди.**

Жиззах вилоятидаги “BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхонасида илк электромобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу инновацион заводни келиб кўрди.

Бу мамлакатимиз автосаноатида янги босқич, улкан тарихий воқеа. Мазкур завод шу йил январда давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида фаолият бошлаган эди. Бу қиймати 160 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, йилига 50 минг дона электромобиль ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бунинг учун қўшма корхона замонавий саноат инфратузилмаси билан таъминланди. Қарийб 2 километр темир йўл тортилди. Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун бутловчи қисмлар омбори, 1 минг 200 та контейнер сиғимига эга логистика маркази қурилди.

Заводга Хитойдан роботлаштирилган тизимлар ва ускуналар келтириб ўрнатилган. Ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган. Электромобилнинг геометрик ўлчамларини юқори аниқликда текширувчи лаборатория ташкил қилинган.

Президент ушбу имкониятларни кўздан кечирди, хитойлик шериклар билан суҳбатлашди.

Ҳозирда бу ерда Chazor ва Song Plus Champion моделлари ишлаб чиқарилмоқда. Шавкат Мирзиёев конвейердан чиққан илк электромобилга имзо қўйди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ахборот берилди.

Келгуси йилларда заводда моделлар қаторини кенгайтириш режалаштирилган. Қиймати 300 миллион долларлик иккинчи босқичда электромобиллар сонини йилига 200 минг донага, 500 миллион долларлик учинчи босқичда 500 минг донагача етказиш кўзда тутилган.

Режалар улкан, иш шунга яраша жадал. Электромобиллар сони ортиши билан маҳаллийлаштириш даражаси ҳам босқичма-босқич ошириб борилади. Энг аввало, бампер, ойна, лок-бўёқ, пластик қисмларни ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилади. Кейинчалик аккумулятор, электр двигатель, алюминий қисмлар, шиналар, ўриндиқлар ишлаб чиқаришга ўтилади.

*Давоми 2-бетда*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шоншуҳратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳр ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган қуйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотлансин:

**Куанишбаева Гулайим Махамбетали қизи** — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сражатдинов Аманбай Конисбай ули** — Нукус шаҳридаги “Real Innovatsiya NKS” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Турдалиев Сардорбек Шерали ўғли** — Балиқчи туманидаги “Academy IT Star” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Хайтахматова Дилнавоз Алижон қизи** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич талабаси, Андижон вилояти

**Облоқулова Дилафруз Шуҳрат қизи** — Бухоро вилояти маданият бошқармасининг рақамлаштириш ва матбуот хизмати бўйича бош мутахассиси

**Остонов Оғабек Ўлмас ўғли** — Жондор туманидаги “Шариф Нафосат” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси, Бухоро вилояти

**Сатторов Элбек Холиқул ўғли** — Бахмал туманидаги “Аззам Элбекович” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Ҳошимова Шахло Улуғбек қизи** — Жиззах политехника институтининг қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш кафедраси ассистенти, Жиззах вилояти

*Давоми 2-бетда*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан юртимиз тараққиётини юксалтириш, жонажон Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

**Мажозий маънода олти азим ўзанга қиёсланадиган, халқимиз бадиий тафаккурининг беқиёс маҳсули бўлган** “Шашмақом” асрлар давомида жаҳон маданият уммонини тўлдириб, уни ҳар томонлама бойитиб келмоқда.

Шу ўринда мумтоз мусиқа санъатининг гултожи бўлган бетакрор мақомларимиз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ва бу уни бутун дунёда кенг тарғиб қилиш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшаётганини улкан хурсандчилик билан таъкидламоқчиман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистонда мақом санъатини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказишда машҳур давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Ғоят оғир даврларда Шароф Рашидовичнинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент давлат консерваториясида мақом санъатини илмий ўрганишга, уни халқаро миқёсда тарғиб этишга асос солинган эди. Ўша йилларда республикамизда мақом ансамбли ташкил этилган. Ўлмас “Шашмақом” дурдоналари нотага олиниб, 6 жилддан иборат мукаммал китоб нашр қилинган.

Ўйлайманки, бугунги файзли анжуманимиз туфайли раҳматли Шароф Рашидовичнинг ҳам руҳлари шод бўлмоқда.

Хабарингиз бор, Янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишини ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу жараёнда “Шарқ тароналари”, Халқаро бахшичилик санъати, “Лазги”, Халқ ҳунармандчилиги фестивали сингари нуфузли анжуманлар, Тошкент халқаро кинофестивали, маданият кунлари, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бошқа муҳим тадбирларни ўтказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, улар орасида мумтоз мусиқа санъатининг ноёб дурдонаси бўлган мақомларга бағишланган мазкур халқаро фестиваль беқиёс ўрин тутади. Мамлакатимизда ушбу санъат равнақини янги босқичга олиб чиқиш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бугунги кунда мақом санъати бутун мамлакатимиз бўйлаб, бошланғич таълимдан тортиб, академик фан даражасигача бўлган босқичларда узлуксиз тарзда ўрганилмоқда. Биз Тошкент шаҳрида Мақом маркази янги биносини қуриш бўйича амалий ишларни бошладик. Мақом ривожи йўлида сермаҳсул ижод қилиб келаётган бастакор, композитор, мусиқашунос, хонанда ва созандаларни фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида юртимизда нуфузли миллий танловлар ўтказиб келинмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ҳаётини ана шундай шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган, гўзал қалб оламида бу умумбашарий мерос намуналарини авайлаб-ардоқлаб келаётган, ўзининг беназир ва жозибадор оҳанглари билан халқларимизни мафтун ва мамнун этаётган сизлар каби барча азиз санъаткорларимизга шахсан ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Биз бу борада бошлаган ва баланд марраларни кўзлаган режа ва тадбирларимизни албатта изчил давом эттирамиз. Зеро, миллий мақом ижрочилиги мумтоз санъатимиз ва юксак маданиятимизнинг ўқилдизи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, **“Кўнгил қуввати — хуш навоздин, руҳ қути — хуш овоздин”**.

Қаранг, қандай чуқур маъноли сўзлар.

Дарҳақиқат, барча олис ва яқиндан келган санъаткорлар иштирокида дўст ва биродар халқларимизнинг дилларини бир-бирига чамбарчас боғлайдиган бугунги анжуманимиз ҳам мусиқа орқали ер юзидаги барча инсонларга маънавий озиқ беришга хизмат қилади. Фестивалимиз кўлами тобора кенгайиб, бугун бу муҳташам мажмуада Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка қитъаларининг 80 дан ортиқ мамлакатларидан қарийб 400 нафар меҳмонлар жам бўлиб тургани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Эзгулик ва гуманизм байроғи остида бирлашган, санъатни бутун борлиғи билан севадиган барча ижод аҳли учун ушбу фестиваль, ҳеч шубҳасиз, катта байрамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, тадбирни ташкил этишда бевосита иштирок этаётган барча фидойи инсонларга, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларига, ҳурматли меҳмонларимизга чин дилдан ташаккур айтаман.

Мақомлар жаҳон мусиқа ихлосмандлари руҳининг туганмас куч-қувват ва илҳом манбаи бўлсин!

Мақом санъатининг шони ва шуҳрати боқий бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, олижаноб фаолиятингизда янги омадлар ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Мазкур янги тармоқда рақобатбардош бўлиш учун инновация ва етук мутахассислар керак. Шу боис, таълим ва ривожланишга қаратилган “R&D маркази” ташкил этиш, илм ва муҳандислик ютуқларини изчил қўллаб бориш зарурлиги таъкидланди. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари орқали маҳсулот таннархини тушириш чоралари муҳокама қилинди. Истиқболдаги мақсад — минтақа бозорларига чиқиш.

Бугунги кунда корхонада 1 минг 200 киши ишлайди. Ўтган йили 200 нафар ходим “Uzautomotors” заводларида малака оширган. Бу йил яна 92 нафар мутахассис Хитойнинг Сиан ва Чанша шаҳарларида сифат назорати, технология, таъминот, ускуналарга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда малака оширади. Барча уч босқич жорий этилгач, иш ўринлари 10 мингтага етади.

Жиззах вилоятига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “BYD” компанияси президенти Ван Чуаньфуни қабул қилди.

Жиззахда гибрид ва электр автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхонанинг муваффақиятли фаолияти катта мамнуният билан қайд этилди. Бугун заводдан биринчи электромобиль чиқди.

Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 160 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди, 1,2 мингта иш ўрни яратилди. Корхонада пайвандлаш, бўяш ва йиғиш жараёнларини ўз ичига олган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилган.

Учрашувда Президентимиз яқин истиқболда моделлар қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини йилига 500 мингтага етказиш зарурлигини таъкидлади.

Бутловчи ва эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда автомобилларни Марказий Осиё ва МДҲ бозорларига экспорт қилиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Компаниянинг мамлакатимизда “яшил” транспортни ривожлантириш лойиҳасида иштирок этиш режалари ҳам қўллаб-қувватланди. Бу қўшма инновацион тадқиқот марказини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, электр транспорти учун техник регламент ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда “Blade” авлодига мансуб батареялар ва “BYD” электробусларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодиёт учун ғоят зарур бўлган корхоналар барпо этилмоқда. Бу янги иш ўринлари очилиши, саноат тармоқлари ривожланиши, пировардида халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қиляпти.

Жумладан, Жиззах вилоятида сўнгги беш йилда қайта ишлаш саноати ҳажми 1,6 баробарга кўпайиб, ўтган йилнинг ўзида 19 триллион сўмни ташкил қилган. Экспорт ҳажми 2,2 баробарга ошиб, 202 миллион долларга етган.

Хорижий инвестициялар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 18 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам салкам 700 миллион долларга етган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 260 тани ташкил қилмоқда.

Бунда ҳар бир туманнинг ўз ўрни бор. Хусусан, Зомин туманида инвестиция дастурлари доирасида сўнгги беш йилда 1,8 триллион сўмлик 300 га яқин лойиҳа амалга оширилган ва уч мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Қулай бизнес муҳити туфайли тумандаги кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4 баробар кўпайган.

Зомин туманининг гўзал табиатига асосланиб туризм соҳаси унинг “драйвери”га айлантирилмоқда. Бундай хизматларни кўпайтириш мақсадида яқинда Зомин туристик зонаси ташкил этилди.

Булар билан чекланиб қолмасдан, Зоминда саноатни ривожлантиришга киришилган. Чунки ҳудуд бунинг учун жуда қулай. Туман мамлакатимиз марказий қисмида жойлашган. Бу ердан темир йўл ўтган. Яқинда Зомин аэропорти кенгайтирилиб, реконструкция қилинди.

Энди туманда Хитойнинг “Мингюан” компанияси билан ҳамкорликда “Технопарк” махсус саноат зонаси барпо этилмоқда. Бунинг учун 400 гектар ер майдони ажратилган. Уни инфратузилма билан таъминлаш бўйича манзилли дастур тасдиқланиб, 160 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Бу борадаги амалий ишлар аввалроқ бошланган бўлиб, 30 дан ортиқ лойиҳалар шакллантирилган. Уларга хитойлик инвесторлар томонидан 1,2 миллиард доллар инвестиция йўналтирилади.

Мазкур зонада ташқи бозорларда талаб юқори бўлган қўшилган қийматли маҳсулотлар чиқарувчи корхоналар ташкил этилади. Хусусан, электротехника, машинасозлик, қурилиш материаллари, мебелсозлик, озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилади.

Натижада 5 мингдан ортиқ иш ўринлари пайдо бўлади, 4,7 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ҳамда 70 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилади.

Технопарк ҳудудида Халқаро тажриба алмашинув инженерлик маркази ташкил этилиб, саноат корхоналари учун шу ернинг ўзида малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Шунингдек, ушбу ҳудудда офис маркази, турар жойлар, экобоғ, кўргазмалар зали ва савдо маркази барпо этилади.

Маросимда давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, технопаркдаги илк инвестиция лойиҳалари қурилишини бошлаб берди.

Президентимиз ушбу замонавий лойиҳаларнинг амалга оширилишида ишбилармонларга муваффақиятлар тилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдужалол ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Пардаев Улмасжон Довурпулат ўғли** — Муборак тумани “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Қашқадарё вилояти

**Хўжаева Рохилабону Саидусмон қизи** — “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятининг марказий лабораторияси лаборанти, Қашқадарё вилояти

**Бафоев Шерзод Ихтиёр ўғли** — Конимех туманидаги “Боймурод” оилавий шифокорлик пункти шифокори, Навоий вилояти

**Саидова Севинч Асатилло қизи** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси кран машинисти, Навоий вилояти

**Набихонова Мастурахон Иброҳимхон қизи** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Наманган давлат педагогика институтидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Наманган вилояти

**Хусанов Мухаммадали Алишер ўғли** — Уйчи туманидаги “Sanlitun” масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, Наманган вилояти

**Аноров Боҳодир Қобилжон ўғли** — Пайариқ туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Шодиева Мадина Нуралиевна** — Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси гид-экскурсоводи, Самарқанд вилояти

**Ортиқбоева Ҳилола Ғуломжон қизи** — Кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Сирдарё вилояти

**Турдиқулов Ислом Ҳайитбой ўғли** — Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали кимё-технологиялар кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

**Ашурова Мафтуна Ортиқ қизи** — Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг рақамли иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Худойбердиев Шаҳзод Фарходович** — Шўрчи тумани ёшлар ишлари бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Ғофурова Динора Алишер қизи** — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон” локомотив депоси “Afrosiyob” юқори тезюрар электропоезди машинисти ёрдамчиси, Тошкент вилояти

**Рахматуллаев Фарходжон Рустамжон ўғли** — Қуйи Чирчиқ туманидаги “Sofia Ticaret” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Хасанов Хайитбой Хисенжонович** — Сўх тумани “Сариканда” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Фарғона вилояти

**Холиқова Гулираъно Юлчибой қизи** — Риштон туманидаги “Холиқов Йўлчибой” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Оллаберганова Муяссархон Давлатбой қизи** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали 1-босқич магистранти, Хоразм вилояти

**Юлдошев Усмонбек Умарбек ўғли** — Урганч шаҳридаги “Glass Pro” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Хоразм вилояти

**Неъматов Миразиз Мирали ўғли** — Мирзо Улуғбек туманидаги “Танланганлар” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Хушвақтова Мўтабар Сафар қизи** — Ижтимоий тармоқлардаги “Urikguli” экологик блоги асосчиси, Тошкент шаҳри

**Зарипова Барно Икром қизи** — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг кимё фани ўқитувчиси

**Исматов Миршохид Ривожиддин ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Лойиҳалар бошқаруви маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти видеомонтажчиси

**Муллоджанова Муниса Ахмаджоновна** — Ўзбекистон волонтёрлар ассоциацияси лойиҳа менежери

**Набижонов Баходирбек Содиқжон ўғли** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг қон томир хирургияси ва буйрак трансплантацияси бўлими жарроҳи

**Туланова Севарахон Баходиржон қизи** — Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти услубчиси

**Эшонқулов Муҳаммадали Олимжон ўғли** — “Yuksalish” нодавлат таълим муассасалари таъсисчиси

**Юсупова Айсанем Азатовна** — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ғ.Ғ.Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 июнь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**2024 йил 27 июндаги ПҚ-236-сон қарорига илова**

# “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Аймуратов Муса Татлимурат ули** — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Йўлдошев Аббос Баҳром ўғли** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Қобулов Бахтиёржон Ортиқбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг Божхона институти 4-босқич курсанти (Андижон вилояти)

**Самандаров Нуриддин Махамматжон ўғли** — Андижон давлат университетининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

**Отамуродов Нурмуҳаммад Шухрат ўғли** — Олот туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

**Қосимов Жасур Тохирович** — “Ҳунарманд” уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, кандакор уста (Бухоро вилояти)

**Мўминов Шаҳбоз Ахмадқул ўғли** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Жиззах вилояти)

**Рўзиқулов Дилшод Шуҳрат ўғли** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси доценти (Жиззах вилояти)

**Жураев Сухробжон Салохиддин ўғли** — Шаҳрисабз давлат педагогика институтининг информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси (Қашқадарё вилояти)

**Нурматов Мироншох Нуриддин ўғли** — Косон туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Қашқадарё вилояти)

**Суюнов Шоҳрух Лазизжон ўғли** — Тошкент шаҳридаги “Suyunov Art Studio” ўқув маркази раҳбари (Навоий вилояти)

**Ўктамов Шоҳрух Рустам ўғли** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими (Навоий вилояти)

**Юсупов Жасурбек Муратбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми учувчи-штурмани (Наманган вилояти)

**Урунов Асадбек Давлатали ўғли** — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Элмуротов Шаҳзод Ҳамза ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири (Самарқанд вилояти)

**Арзиқулов Фазлиддин Фахриддин ўғли** — Тошкент давлат техника университетининг 2-босқич магистранти (Самарқанд вилояти)

**Валижонов Азизбек Фарҳод ўғли** — Тошкент тиббиёт академиясининг 6-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Қулболаев Асадулло Комил ўғли** — Боёвут туманидаги 1-спорт мактабининг жанг санъати бўйича мураббийси (Сирдарё вилояти)

**Бобоев Наби Тоҳир ўғли** — Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг катта ўқитувчиси (Сурхондарё вилояти)

**Исломов Иномжон Умиджон ўғли** — Шўрчи туманидаги 125-кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

**Гулиев Артур Марленович** — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент вилояти)

**Сапаров Жавохирбек Хикматжон ўғли** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг ёнғин-қутқарув қисми қутқарувчи-ёнғин ўчирувчиси (Тошкент вилояти)

**Махмудов Содиржон Абдуллажон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Фарғона вилояти)

**Ўлмасов Аҳаджон Акрамжон ўғли** — Фарғона политехника институтининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)

**Сабиров Азизбек Давронбекович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

**Йўлдошов Оғабек Неъматжон ўғли** — Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)

**Назаров Азизбек Фаррух ўғли** — Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

**Свечников Владимир Александрович** — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент шаҳри)

# МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ СИФАТИДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ




**Бошланиши 1-бетда**

Кеч туша бошлади. Анжуман муносабати билан безатилган Зоминсой мажмуасидаги амфитеатр эртакнамо қиёфага кирмоқда. Навбатдаги Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросимига чорлов мусиқаси янграйди. Саҳнага байрамда иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари таклиф этилади.

Тантанали очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, мақом санъатининг тарихи ва аҳамиятини эътироф этди.

— Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимизнинг рамзи бўлган мақом санъати теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Мақом — умумбашарий туйғуларни авж пардаларда тараннум этадиган нодир санъат тури сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мақом санъати мусулмон Шарқидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида жадал ривожланиб, юксак чўққига кўтарилган. Абу Наср Форобий ўзининг "Катта мусиқа китоби"да куйларнинг назарий ва амалий мезонларини уд сози орқали мукаммал тартибга келтирган. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимиз ноёб мусиқий асарлар яратиб, мақом ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

XX асрда бу анъаналарни Абдурауф Фитрат, Юнус Ражабий каби санъатшунос олимлар, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Турғун Алиматов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва бошқа ҳофизлар муносиб давом эттирган.

Давлатимиз раҳбари мақом санъатини асраб-авайлашда атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг катта ҳиссаси борлигини таъкидлади. Ўша оғир даврларда Тошкент давлат консерваториясида мақом санъатини илмий ўрганишга ва халқаро миқёсда тарғиб этишга асос солинган. Мақом ансамбли ташкил этилган. Ўлмас "Шашмақом" дурдоналари нотага олиниб, 6 жилддан иборат мукаммал китоб нашр қилинган.

Мумтоз мусиқа санъатининг гултожи бўлган бетакрор мақомларимиз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Президентимиз эътибори билан ушбу санъат равнақи янги босқичга чиқди. Бугунги кунда мақом бутун мамлакатимиз бўйлаб, бошланғич таълимдан тортиб, академик фан даражасигача бўлган босқичларда узлуксиз тарзда ўрганилмоқда. Тошкент шаҳрида Мақом маркази қурилмоқда. Бу йўналишда сермаҳсул ижод қилаётган бастакор, хонанда ва созандаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий танловлар ўтказиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳаётини ана шундай шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган санъаткорларга бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирди.

— Эзгулик ва гуманизм байроғи остида бирлашган, санъатни бутун борлиғи билан севадиган барча ижод аҳли учун ушбу фестиваль, ҳеч шубҳасиз, катта байрамдир. Мақомлар жаҳон мусиқа ихлосмандлари руҳининг туганмас куч-қувват ва илҳом манбаи бўлсин, — деди Президент.

Маросимда ЮНЕСКО Бош конференцияси 42-сессияси президенти Симона Микулеску, АЙСЕСКО Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик ҳам сўзга чиқиб, иштирокчилар ва меҳмонларни қутлади.

Шунингдек, анжуманда ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Туркий маданият ва мерос фонди президенти Актоти Раимкулова, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси Бош котиби Меҳмет Суреййа Эр, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бош котиби ўринбосари Нурлан Сейтимов, Туркия Президентининг бош маслаҳатчиси Ялчин Топчу, Қозоғистон Президентининг маслаҳатчиси Малик Отарбаев, Тожикистон Президентининг ижтимоий ривожланиш, маданият ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси Абдулло Раҳмонзода, Қирғизистон маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири Олтинбек Максутов, Озарбайжон маданият вазири Адил Габил ўғли Каримли қатнашди. Умуман, фестивалда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка қитъаларининг 80 дан ортиқ мамлакатидан қарийб 400 нафар меҳмонлар иштирок этмоқда.

Тантанали тадбир мумтоз куй-қўшиқлардан тузилган концерт билан давом этди.

Тадбирда, шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги элчилари ва вакиллари, таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар, истеъдод соҳиблари, фестивални кенг ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимиздаги барча йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар маданият соҳаларида ҳам изчил давом этмоқда. Бу анжуман эса турли халқ ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий мулоқот майдонига айланаётгани таъкидланди.

30 июнга қадар давом этадиган анжуманда иштирокчилар турли номинациялар бўйича ўзаро баҳслашади. Якунда халқаро ҳайъат аъзолари "Энг яхши мақом ансамбли", "Энг яхши яккахон чолғу ижрочиси" ва "Энг яхши яккахон хонанда" йўналишлари бўйича ғолибларни эълон қилади.

Кўрик-танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан диплом, статуэтка ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Шунингдек, анжуман доирасида "Мақом санъатининг назарий ва амалий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси, мақом санъати усталари иштирокидаги бадиий чиқишлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдужалол ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## Муносабат



# Ҳақиқат отангдан улуғдир



**Абдужалол ТАЙПАТОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош муҳаррири, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби**

> **Президентимиз ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларини табриклар, машаққатли ва оғир меҳнатини эътироф этар экан, уларнинг олдига муҳим ва долзарб вазифаларни ҳам қўймоқда. Бу йилги табрик ҳам бизга бундан кейинги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади деб ўйлайман.**

**Сарлавҳани бежиз донишмандларимизнинг ушбу ҳикмати билан номламадик. Бинобарин, азалдан журналистиканинг асосини холислик, фақат ҳақиқатни ёзиш, фикр юритилаётган мавзуга адолат билан ёндашиш ташкил этади.**
**Мустақиллик йилларида ўзбек журналистикасининг шаклланиш жараёни осон кечмади. Тўғри, бизда жадид боболаримизнинг ибрати бор эди. Аммо ягона мафкура ҳукмрон давр, матбуотга совуқ муносабат журналистлар учун кўп сабоқ берди.**

Минг шукрки, кейинги йилларда ОАВ фаолиятида, муҳитида эркинлик шабадалари эсиб, демократия нишоналари пайдо бўла бошлади. Айни пайтда электрон шаклдаги нодавлат ОАВ ривожланмоқда. Давлат нашрлари қаторида хусусий матбуот пайдо бўлди.

Бугун жамиятимизда, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг шитоби шу қадар тезки, бу бошқа соҳалар қаторида оммавий ахборот воситалари олдига ҳам янгидан янги ва жиддий вазифаларни қўймоқда.

Янги Ўзбекистон дунёга очилди, дунё ҳам бизга ўз эшикларини очмоқда. Узоқ йиллар бир мафкура ҳукмронлиги остида фаолият кўрсатган ўзбек матбуоти энди янги талабларга зудлик билан мослашиши, нафақат мослашиши, балки одамларни, ўқувчиларни ортидан эргаштириши, ижтимоий фикрни шакллантиришга ҳисса қўшиши, турли мафкуралар, маънавиятлар кураши жараёнида ватан, миллат манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

Жамиятда тўғри ва холис сўзга, адолатли ёндашувга ҳамиша эҳтиёж бўлган ва аҳолининг бу эҳтиёжини қондиришга биз, журналистлар бурчлимиз.

Мен ўзим ишлаётган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мисолида бу жараёнлар қандай бораётгани тўғрисида гапирадиган бўлсам, бугунги ЎзА бундан ўн йил олдинги расмий агентликдан тубдан фарқ қилади. Бизда ҳамма соҳа вакилларига, турли тоифа кишиларига сўз, минбар берияпти. Фикрлар хилма-хиллиги таъминланмоқда. Сайтимизда ҳатто лавозимга тайинловлардан тортиб, туғилган кун табрикларигача берилмоқда. Чунки бу ҳам ахборот. Камчиликларимиз бор, аммо ютуқларимиз ҳам кўп. Энг катта ютуғимиз нимада? Ижодий жамоамиз расмий ахборот агентлигини халқ агентлигига айлантиришни мақсад қилган.

Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган жиддий ислоҳотлар жараёнида фаолиятимизда ҳам катта ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, айниқса, берилаётган мақолаларда фикрлар хилма-хиллигига риоя қилинаётгани, танқидий-таҳлилий чиқишларга кенг ўрин ажратилаётганида кўзга ташланади. Агентлигимиз бугун ҳаммага — депутату дипломатга ҳам, оддий ишчию деҳқонга ҳам, ҳокимлар ва ҳатто мухолифатчиларга ҳам минбар бермоқда. Ёки ютуқларимизга тўғри кўз билан қарамаётган, қарашни истамаётган кишиларга ҳам ўрин берияпти.

Ижодий жамоа фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонда демократик қадриятлар ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Айтиш мумкинки, жамоамиз ҳар дақиқада ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборини ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёни, инсон қадрини улуғлашга йўғрилган ислоҳотлар моҳиятини оддий одамлар, аҳолига етказиш, онгига сингдиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз. Материалларимиз матн ва видео шаклида ўзбек, рус, инглиз, араб, испан, хитой, француз, немис, қозоқ, қорақалпоқ каби ўн тилда узатилаётир. Ахборот ва мақолаларимизни нафақат элчихоналар, балки ЎзА билан ҳамкорлик битимлари имзолаган хориж ахборот агентликлари ҳам ўз ўқувчиларига тарқатмоқда. Умуман, материалларимизни ярим миллион киши ўқияпти.

Дунё ҳар дақиқада ўзгариб турибди. Бугунги ОАВга кечаги талаб, кечаги мезонлар билан баҳо бериб бўлмайди. Кеча биз андиша қилиб айтолмай турган баъзи гаплар бугун ижтимоий тармоқлар, интернет каналларида, хусусий ОАВда бaралла янграмоқда. Гоҳида ўзини "эркин журналист", "блогер" деб атаётган айрим "ҳамкасб"ларнинг чиқишларини кўрганда лабингга учуқ тошади. Биз ўтмишимизга қора чизиқ тортиб бўлдик. Одоб-андиша қоидаларига, қадриятларимизга, муқаддас туйғуларимизга эскилик сарқити сифатида қарашга даъватлар сезилмоқда. Бетгачопарлик, етти ўлчамасдан қўлга қайчи олиш, юзинг-кўзинг демасдан ҳамма гапни айтавериш, фикрнинг яланғоч ифодаси урфга кириб бормоқда.

Ана шундай "очиқлик", "демократия" шароитида миллий журналистика қайси йўлдан бориши, бутун ҳаётини шу соҳага бағишлаган ҳамкасбларимиз қандай йўл тутиши керак?

Бу ҳаммамизни ўйлантирадиган оғриқли масала. Негаки бугун майдонга ўзини ураётганларга қараганда томошабин бўлиб турганлар кўпроқ.

Очиғини айтайлик, бугун ўзбек босма матбуоти кўмакка муҳтож. Айрим марказий нашрлар, болаларга аталган газета ва журналларнинг арзимас нусхаларда чоп этилаётгани, вилоят ва туман нашрларининг ночор аҳволи кўпчиликка сир эмас. Ахир улар кучли қурол, энг самарали кўмакчилар-ку? Бу ҳаммамизни ҳушёрликка чорлайдиган ташвишли сигнал, аслида.

Биз ёмон, бузғунчи ахборотлардан фарзандларимизнинг мурғак онгини асрашимиз лозим. Бунинг учун ҳимоя воситаларимиз кучли бўлиши, миллий мафкура тарғиботи ҳаммага етиб бориши зарур. Ҳаммамиз бир бўлиб миллий қадриятларимизни, муқаддас ғояларимизни ҳимоя қилишимиз керак — бошқа йўл йўқ!

Кўп йиллардан буён ЎзАда ишлаётган ходим сифатида таъкидлашни истардимки, бу ерда ўз ишини яхши кўрадиган, фидойи одамлар — маҳорат ва профессионаллик нуқтаи назаридан катта амалий тажрибага эга журналистлар, техник ходимлар кўп.

Бизда иш одатда тунда тугайди. Шанба, якшанба кунлари ҳам кўпинча иш бўлади. Ишдан сўнг тунги соатларда агентлигимиз биносидан уйга кетиш учун ташқарига чиққан 15-20 чоғли навбатчилар гуруҳига секин разм соламан. Улар бир-бирига қувноқ ҳазил-ҳузуллар билан машиналарга ўтиради, чеҳраларида чарчоқ сезилса-да, кайфиятлари ҳамиша хуш бўлади. Бундай жамоа билан катта ишларни амалга ошириш, ҳар қандай мушкул вазифани уддалаш мумкин.

Президентимиз ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларини табриклар, машаққатли ва оғир меҳнатини эътироф этар экан, уларнинг олдига муҳим ва долзарб вазифаларни ҳам қўймоқда. Бу йилги табрик ҳам бизга бундан кейинги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра, давлат мукофотлари билан тақдирланганлар рўйхатида менинг номим ҳам борлигидан ниҳоятда мамнунман. Бу бутун жамоамиз меҳнатининг эътирофидир. Эътироф, эътибор, айниқса, ижод аҳлини янги ютуқларга, муваффақиятларга илҳомлантиради.

Барча ҳамкасбларимизни байрам билан қутлаган ҳолда уларга халқ хизматида чарчамаслик, асло элнинг назаридан қолмаслик, доимо юзлари ёруғ бўлиб юриш, янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш йўлида катта куч-қувват тилайман.




## Тақдимот

# СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

## ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

OʻZBEKISTON 2030

**Хорижий давлатларнинг ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва бошқа йўналишлардаги ислоҳотлари ҳамда илгари сурилаётган ташаббусларини ўрганиш, мамлакатимиздаги жорий ҳолатни таҳлил қилган ҳолда уларни Ўзбекистон шароитида имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.**

**Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги томонидан ислоҳотларнинг узвийлигини таъминлаш орқали уларни амалга оширишда ягона ёндашувларни шакллантириш ва жорий этиш борасида қатор ишлар бажарилмоқда.

Агентликнинг асосий вазифаларидан бири ҳам маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда алоҳида соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш, соҳа ва тармоқлардаги ислоҳотларни танқидий таҳлил қилган ҳолда самарадорлигини баҳолаш, расмиятчилик, сансоларлик ва коррупциявий ҳолатларга шароит яратувчи тизимли муаммоларни бартараф этишдир. Аҳамиятлиси, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва давлат дастурларининг ижросини мониторинг қилиш асносида уларнинг тўлақонли ва сифатли амалга оширилиши мувофиқлаштириб борилади.

"Стратегик режалаштириш тизимини жорий этишга доир дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон лойиҳаси ҳам мамлакатимизнинг стратегик режалаштириш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Пойтахтимизда Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг "Самарали давлат бошқаруви" дастури кўмагида Стратегик ислоҳотлар агентлиги томонидан мазкур фармон лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Унда стратегик режалаштириш йўналиши бўйича мутахассислар, 20 дан ортиқ вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар иштирок этди.

Қайд этилганидек, стратегик режалаштириш давлат миқёсидаги мақсадларга эришишнинг муҳим воситаларидан. Кейинги 10 йилда кўплаб мамлакатларда давлат бошқарувини стратегик режалаштириш тизими кенг жорий этилган.

Йиғилишда сўзга чиққан Стратегик ислоҳотлар агентлиги директори биринчи ўринбосари Абдулла Абдуқодиров, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Йоахим Фриц ва бошқалар ушбу фармон Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиёти учун замин яратиш билан бирга стратегик режалаштириш амалиётини халқаро стандартларга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Шунингдек, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ушбу муҳим йўналишдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.




Тақдимотда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатнинг фундаментал босқичлари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Тадбирнинг асосий қисми стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш методологиясига бағишланди. Халқаро экспертлар стратегик ташаббуслар муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун тизимли мониторинг ва баҳолаш муҳимлигини таъкидлади.

— Мазкур тақдимот агентлик ва стратегик ислоҳотлар бўйича хорижлик эксперт Зорка Кордич ўртасидаги "Самарали давлат бошқаруви" дастури кўмагида амалга оширилаётган деярли бир йиллик ҳамкорликнинг давомидир, — дейди Стратегик ислоҳотлар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Абдулла Абдуқодиров. — Ушбу даврда Ўзбекистон стратегик режалаштириш тизимидаги долзарб муаммолар таҳлил қилиниб, режалаштириш бўйича ягона ёндашувни ўрнатишга қаратилган қадамлар, стратегияларни ишлаб чиқиш ва давлат сиёсати самарадорлигини мониторинг қилишнинг сифат мезонларига доир тавсиялар берилди.

Тадбирда стратегик режалаштириш ва қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш экспертлар гуруҳи бажарган иш ҳажми, стратегик режалаштириш ҳужжатларини яратиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш методологияси, стратегик режалаштириш масалаларини тегишли қонунчилик базаси билан мослаштириш бўйича қатор тақдимотлар қилинди.

Фармон лойиҳаси Ўзбекистонда стратегик режалаштириш тизимини ривожлантириш йўлидаги самарали қадамлардан бири бўлиб, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа йўналишларни ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 28 июнь, 127-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МИНБАРИ

# ОАВ ВА СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ



**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
сиёсий шарҳловчи, журналист**

**Кейинги йиллар Ўзбекистон учун муҳим воқеаларга бой бўлди. Кенг қамровли сиёсий ислоҳотлар самара бермоқда. Адолатли ва рақобатбардош иқтисодий тизим яратишга киришилди. Иқтисодиётни диверсификация қилиш ва монополияга барҳам бериш, инфратузилмани модернизациялаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция жалб этиш жадал суръатда давом этмоқда. Ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ҳал этила бошлади. Миллий манфаатлар эътиборга олинган ҳолда конструктив ва оқилона ташқи сиёсат юритилмоқда. Бунинг самарасини кейинги йилларда мамлакатимизда қатор йирик саммит ва форумлар ўтказилганида кўрдик.**

Миллат тарихида юксак ўрин тутган аждодларимизга бағишланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олиниши, улуғ боболаримизга бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказилиши орқали ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш анъанаси миллий ўзликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқа ўрнатган. Тошкентда 44 та давлатнинг элчихонаси, 1 та бош консуллик, 8 та фахрий консул, 17 та халқаро ташкилот, 13 та хорижий халқаро ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхонаси, 1 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг 55 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси мавжуд. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилот аъзоси. Мамлакатимиз кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шериклик алоқаларини ривожлантириб келади.

2016 йилдан кейин мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечган янгиланишлар ташқи сиёсатга ҳам таъсир ўтказди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати икки томонлама алоқалар устуворлиги принципидан аста-секин кўп томонлама ҳамкорлик форматига ўтиб бормоқда. Ҳозирги ташқи сиёсат хавфсизлик ва иқтисодиётнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи омиллари уйғунлигида ривожланмоқда.

Ўзбекистонда салмоқли ўзгаришлар бўлаётганига халқаро кузатувчилар ҳам тан бермоқда. Улар фикрича, янгиланишлар мамлакат қиёфасини ўзгартирди — дунё кўз ўнгида янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан алоқалари изчил ривожланмоқда. Қисқаси, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Очиқлик ва адолат бош мезонга айланди. Халқимиз юксалиши ва фаровонлигига жаҳон аҳли ҳавас билан боқмоқда.

Бу каби янгиланишлардан сўнг Марказий Осиёдаги вазият ҳам тубдан ўзгарди. Юксак сиёсий ирода туфайли қўшни давлатлар билан алоқалар юқори поғонага кўтарилди. Давлатимиз раҳбари бугун бутун дунёда эътироф этилаётган ўзбек дипломатиясида янги саҳифа очди.

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан дўстона конструктив алоқа ўрнатиш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантиришга йўналтирилган ташқи сиёсий фаолияти тубдан ўзгарди. Шу билан бирга, ўтган йилларда ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатлар нафақат Марказий Осиё мамлакатларининг амалий қадамлари билан қўллаб-қувватланди, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан улкан Евроосиё минтақасидаги ижобий геосиёсий жараён сифатида эътироф этилди.

Одамларнинг онги, билим даражаси қанчалик юқори бўлса, сиёсатга қизиқиши ҳам ортаверади. Таҳлилчилар фикрича, ахборот, шубҳасиз, куч манбаи. Бежиз сўз мулкининг султони Алишер Навоий “Эрурсан шоҳ — агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен — шоҳсен сен”, демаган. Таъкидланишича, эркин оммавий ахборот воситаларига эга халқнинг имконияти кенг бўлади. Шунингдек, адолатли жамият барпо этишда матбуотнинг ўрни беқиёс экани бир овоздан тан олинади.

Бу жараёнда сиёсий шарҳловчининг ўрни жуда муҳим. Сиёсий шарҳловчи кенг дунёқарашга эга бўлиб, яқин ва узоқ ўтмишни яхши билиши керак. Чунки у оммани нафақат сиёсий вазият билан таништиради, балки мушоҳадага ундайди, вазиятни таҳлил қилади.

Шу ўринда мамлакатимизда сиёсий шарҳловчилар бармоқ билан санарли эканини эслатиб ўтишимиз ва тан олишимиз керак. Чунки бугун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сиёсий шарҳловчилар ўрнини экспертлар, таҳлилчилар эгаллаётгандек. Телеканаллар ҳам сиёсий шарҳловчиларга эмас, балки сиёсатчи, тарихчи олимлар, таҳлилчи ва экспертларга катта ўрин бермоқда. Айрим ток-шоулар том маънода сиёсий шарҳловчилар қилиши керак бўлган вазифани бажармоқда.

Бугун биз шиддат билан ўзгараётган ва



ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли муаммолар пайдо бўлаётган даврда яшаяпмиз.

Жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бўлди. Таҳлилчилар фикрича, матбуот фақат ахборот тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, муайян гуруҳлар, ўз манфаатини турли йўл билан ҳимоя қиладиган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга сингдиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг ишончли қуролга айланиб қолди. Давлатимиз мустақилликка эришган даврдан бери юритаётган ички ва ташқи сиёсат, халқаро воқеалар ва жараёнлардаги иштироки жаҳон диққат марказида турибди.

Айрим ҳолларда ташқи кучлар юртимиздаги барқарор вазиятни издан чиқариш билан бирга, Ўзбекистонга нисбатан жаҳонда ва мамлакат ичкарисида нотўғри тушунчалар шакллантиришга интилгани сир эмас. Марказий Осиёда геосиёсий манфаатлари бўлган доира ва давлатлар минтақада ўз сўзига эга Ўзбекистонга ахборот хуружи уюштирди ва бунинг учун турли шакллардан фойдаланди. Бу хуружларга бас келиш ва ўз вақтида жавоб қайтаришда ОАВ вакиллари тезкорлик, аниқлик, оригиналлик, сезгирлик, юксак сиёсий саводхонлик билан ишлаши керак. Телерадиоканалларимизда сиёсий саводхонлиги юқори, халқаро масалаларни чуқур таҳлил қила оладиган ҳамда сиёсатимизни ҳар томонлама тушунтириб берадиган ва маҳорат билан тарғиб эта оладиган сиёсий шарҳловчиларга эҳтиёж катта деб ўйлайман.

Миллий контент яратишда сиёсий шарҳловчилар бажариши керак бўлган вазифалар ҳам куннинг муҳим масаласи сифатида кўрилиши лозим. Телерадиоканаллар, босма нашрлар, расмий ва норасмий сайтлар техник жиҳозланиш жиҳатидан ҳеч бир мамлакатдагидан қолишмайди. Аммо айни дамда камдан-кам газетада халқаро мавзу ёритилади. Аслида, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий газеталарда дунёдаги воқеалар ва уларга шарҳлар мунтазам бериб борилиши керак. Сўнгги вақтларда, назаримда, халқаро мавзуда ёзадиган журналистлар бир оз камайган. Сиёсий шарҳловчиларнинг ихтисослашуви ҳам давр талабларидан.

Сиёсий шарҳловчи бирор воқеа-ҳодисани тушунтириб беради. Газета, журнал, радио, телевидение ва интернет сайтларида муайян воқеалар (ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, спорт ва бошқалар)га бағишланган шарҳлар берилиши, бу вазифани бирор йўналишга ихтисослашган журналист бажариши керак. Айни пайтда муайян касб эгалари, мутахассислар ҳам шарҳловчи сифатида фаолият юритиши, соҳасига доир воқеа-ҳодисаларни шарҳлаши мумкин.

Телерадиоканаллар, шунингдек, сайтларда ҳам халқаро мавзудаги кўрсатувларни кўпайтириш керак. Чунки аҳоли онгини юксалтиришда халқаро мавзуларни Ўзбекистон нуқтаи назаридан ёритиш келажакда фақат фойда келтиради. Телеканал ва сайтларда ҳам ток-шоулар қилиш мақсадга мувофиқ.

Нима учундир ўзбек босма ОАВда хорижий давлатлар, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари ҳақида салмоқли таҳлилий мақолалар деярли берилмайди. Берилса ҳам икки томонлама алоқалар ҳақидаги фикрлар ёритилади, холос. Аслида, қўшни мамлакатлар — Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистон ҳаётига оид хабарлар кўпроқ чоп этилиши лозим.

Тарихчилар фикрича, Ўзбекистон — “пойтахтлар мамлакати”. Туркий халқлар тарихда кўплаб давлатларга асос солган. Шулардан 16 таси буюк давлат сифатида тан олинади. Мана шундан 9 таси бизнинг ҳудудга тўғри келади. Эфталийлар, турк хоқонлиги, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар давлатини мисол сифатида келтириш мумкин. Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан фахрланамиз. Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, чуқур ўрганиб, келгуси авлодларга безавол етказиш барчамиз учун энг асосий вазифадир.

Журналист ва блогерлар маълумот тўплаб, оммага эълон қилиши барчага маълум. Сиёсий шарҳловчи эса мамлакат ва дунёда юз бераётган воқеаларни таҳлил этади. Бу жиҳатдан сиёсий шарҳловчи журналист ва блогердан бир поғона устун туради, десак янглишмаган бўламиз. Сиёсий шарҳловчи ўз мамлакати ва хориждаги барча сиёсат ҳамда жамоат арбоблари, сиёсий кучлар мувозанатини яхши билиши шарт. Зеро, у — сиёсат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеаларни тушунишга ихтисослашган журналист.

Шу билан бирга, журналист дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қиладиган оммавий ахборот воситаси ходимидир. Аммо воқеалар ҳақида маълумот тўплаш ва бу воқеаларни тушуниш, турли томонлардан кўриб чиқиш — бошқа-бошқа жиҳат. Масалан, мухбирнинг иши шуки, у “майдон”га кириб, воқеалар тафсилотини ўрганади. Интервью олади, турли рақамлардан фойдаланиб, шарҳлар ёзади. Сиёсий шарҳловчи эса воқеа жойига махсус мухбир сифатида бориши ҳам мумкин. Аммо унинг асосий вазифаси шунчаки маълумот бериш эмас, балки умумий контекстда нима бўлаётганини таҳлил қилишдан иборат бўлиши керак. Бу ҳодисалар ва сиёсий тенденциялар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Шунинг учун шарҳловчи мухбирдан кўра кўпроқ маълумот билиши шарт. Маълумот қидиришда у кўплаб мақолалар, эслатмалар, ахборот агентлиги ҳисоботлари, мутахассислар материалларини ўқиши, радио ва телевидение дастурлари билан танишиши лозим. Сиёсий шарҳловчининг тажрибаси билан турли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва муассаса вакиллари алоқа ўрнатади. Сиёсий шарҳловчи ички ёки халқаро сиёсатга ихтисослашган бўлиши мумкин. Кенг дунёқарашсиз, ўтган асрлар ва замонавий тарихни билмай туриб, сиёсий шарҳловчи бўлиш мумкин эмас. Қандай бўлмасин, у нафақат ҳодисаларнинг ҳозирги ҳолатини, балки масалалар тарихи ва воқеаларни ривожлантирувчи вариантларни ҳам билиши керак.



АҚШнинг ўша вақтдаги давлат котиби Жон Керрининг 2015 йил 2 ноябрда Остонада қозоғистонлик талабалар билан учрашувидаги нутқини тез-тез эслайман.

— БМТ 70 йил муқаддам Нью-Йоркда ташкил этилган деб ҳисобланади. Йўқ. Бу ҳодиса бир неча юз йил муқаддам Самарқандда юз берган, — деган эди Жон Керри қадимий шаҳарнинг жаҳон тарихидаги мавқеига юқори баҳо берар экан. — Кеча Буюк ипак йўли чорраҳасидаги Самарқандда бўлдим. Тоғлар ва даштларни кесиб ўтиб, одамлар, турли минтақалардан келган маҳсулотлар ва ғоялар учрашадиган жойни ўз кўзим билан кўрдим. Бу ажойиб воқеани яна бир бор такрорлайман. XV аср бошларида Кастилия қироли Генрих III элчиси де Клавихони Амир Темур ҳузурига юборди. Де Клавихо узоқ йўл босиб, Константинополь Трабизонд орқали Шимолий Эрон ва ниҳоят Марказий Осиёга — Самарқандга борди. Бу ерда уни Амир Темур қабул қилди. Элчи бу шаҳар маҳобатидан ҳайратга тушиб, кўрганларини ёзиб қолдирган. Де Клавихо эсдаликларида Ғарб учун янги, шу пайтгача номаълум ҳаёт тарзининг қизиқарли портретини чизган. У маданиятлар, санъат, савдо ва ғоялар чорраҳасини тасвирлаб берди.

“Самарқанд бу — турли халқлар ва маданиятлар, савдо-сотиқ кесишган жой. Бу шаҳарда камёб ипак, олтин, мовий ранг шиша ва чинни топиш мумкин. Бу жойда турклар, араблар, мусулмонлар, яҳудийлар, греклар, арманилар, христианлар, католиклар, несториан ва яфетидлар яшайди”, деб қадимий сайёҳ ҳикоясидан иқтибос келтирди Жон Керри.

Сиёсий шарҳловчи босма ва электрон оммавий ахборот воситалари учун матнлар ёзади, телевизор ёки радио дастурлари тайёрлайди ва олиб боради. Мутахассисларга савол билан мурожаат қилади, тингловчиларнинг саволларига жавоб беради. У нафақат жамоатчиликни сиёсий вазият билан таништиради, балки воқеаларни таҳлил қилади ва албатта, ўз позициясини билдиради, оммани мушоҳадага ундайди.

Биз ахборот жамиятида яшаяпмиз. Замонавий жамият жуда сиёсийлашган ва сиёсатга қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Айни дамда ўзбек жамиятида сиёсатга қизиқувчилар кўплигини ёддан чиқармаслик лозим. Инсоннинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, сиёсатга шунчалик қизиқади. Жаҳонда сиёсий шарҳловчилар таниқли, нуфузли шахсларга айланиб бормоқда, кўпчилик ўз қарашини уларнинг фикри билан таққослайди. Сиёсатшуноснинг иши сиёсатга қизиқиш, кенг билим, қизиқувчанлик, мантиқий фикрлаш, ваколатли ифодали нутқ, хушмуомалалик, турли одамлар билан алоқа ўрнатиш ва ташкилотчилик қобилиятини англатади.

Сиёсий шарҳловчи мамлакат ва дунёдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, илмий-маданий ҳаёт ҳақида яхши маълумотга эга бўлиши керак. Чет тилларни билиш талаб қилинади. Бу журналистикадаги энг юқори даражалардан. Сиёсий шарҳловчилик бирданига эгалланадиган касб эмас. Аввал узоқ вақт нашриёт ёки телерадиоканалда ишлаганидан кейин сиёсий шарҳловчига айланади. Бу жуда кўп меҳнат талаб қилинадиган касб.




Ҳар бир халқаро анжуманда иштирок этиш ҳам (маъруза қилиш шарт эмас, оддий иштирокчи сифатида) сиёсий шарҳловчиларнинг биринчи даражали вазифасидир. Ҳар бир нуфузли анжуманда журналист ва блогерлар қатори етакчи газеталар бош муҳаррирлари, кўзга кўринган сиёсий шарҳловчилар, албатта, иштирок этиши керак.

Ахборот хавфсизлиги ҳар бир давлат миллий хавфсизлигининг таркибий қисмидир. У давлат ва жамиятнинг барча соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак. “Ҳар қандай давлатнинг оммавий ахборот воситаси чет эл таъсири остида қолар экан, жамият ўз тарихий идеаллари, қадриятларини бузишга йўналтирилган ахборотлар оғушида қолади”, деб ёзган эди америкалик олим Лэнс Беннет. Айни дамда ахборотни биринчи бўлиб тарқатиш учун мамлакатимизда малакали мутахассислар ҳам, ахборот индустрияси ҳам бор. Аҳолининг ахборотга ишончи ва қизиқишини қаноатлантириш учун Ташқи ишлар вазирлиги ёки “Дунё” ахборот агентлиги ҳузурида экспертлар гуруҳи ташкил қилиниб, имкон қадар бу гуруҳдан фойдаланиш зарур. Дунёга Ўзбекистоннинг расмий давлат сиёсатини сингдириш учун биринчи бўлиб ахборот тарқатишдан бошқа йўл йўқ. Экспертлар нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги воқеаларга муносабат билдириб бориши лозим.

Савол туғилади: бугун дунёда сиёсий шарҳловчиларга қўйилаётган талаблар нималардан иборат ва улар бу вазифани қай даражада уддаламоқда?

Шу ўринда халқаро журналистика билан сиёсий шарҳловчилик ўртасида катта фарқ борлигини эслатиб ўтиш жоиз. Сиёсий шарҳловчилик институти ўтган асрнинг 50-йилларида АҚШда, кейинроқ эса собиқ иттифоқда пайдо бўлган. Масалан, собиқ иттифоқнинг машҳур сиёсий шарҳловчилари кўплаб материалларни бевосита Кремлдан олиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонлик сиёсий шарҳловчилар Москвада фаолият юритадиган сиёсий шарҳловчилар даражасида турмаса ҳам халқимиз ҳурматига сазовор бўлган эди.

Юқорида айтганимиздек, бугун сиёсий шарҳловчилар ўрнини экспертлар, таҳлилчилар эгаллаётгандек. Масалан, Россия телеканалларида ҳам сиёсий шарҳловчиларга эмас, балки сиёсатчи, тарихчи олимлар, таҳлилчи ва экспертларга катта ўрин берилмоқда. Айрим ток-шоулар ҳам том маънода сиёсий шарҳловчилар қилиши керак бўлган вазифани бажармоқда. Ўзбекистонда ҳам мунтазам сиёсий ток-шоулар ташкил қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Бизда сиёсий шарҳловчилар нима учундир халқаро шарҳловчилар деб аталмоқда. Бу билан шарҳловчиларнинг мавқеи бир оз пасайтирилгандек. Ўзбекистонда сиёсий шарҳловчилик институтининг оёққа туришида радио ва телевидениенинг хизмати катта бўлган. Бу борада мактаб яратилган, десак адашмаган бўламиз. Айни дамда ҳам телерадио тизимида фаолият юритаётган сиёсий шарҳловчиларнинг мақола ва шарҳлари марказий матбуотда ёритилмоқда. Телеканалларда халқаро мавзудаги кўрсатувларни кўпайтириш керак. Чунки аҳоли онгини юксалтиришда халқаро мавзуларни Ўзбекистон нуқтаи назаридан ёритиш келгусида фақат фойда келтиради.

Ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларни теранроқ англасак, айни муддао бўлар эди. Афиналик файласуф Перикл “Агар сиз сиёсатга қизиқмасангиз, бу сиёсат сиз билан қизиқмаётганини англатмайди”, деганида ҳақ эди.

Глобаллашув жараёнининг шиддати, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш эволюциясини таҳлил қилар эканмиз, бугун Ўзбекистон маррани жуда баланд олганини таъкидлаб ўтамиз.



# САККИЗ ЙИЛДА ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН САККИЗ ИСЛОҲОТ

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,**
**“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби, “Ёш китобхон” танлови ғолиби**

**У пайтлари мактаб ўқувчиси эдим. Бир қўлимда китоб, иккинчи қўлимда таёқ билан далага кетардим. Атиги иккита бузоғимиз бор эди. Тенгқурларим ҳам худди мен каби мол, қўйларини яйловга олиб борарди. Дўстларим “Ёрқин, сен нон билан сув ўрнига китоб олиб кел. Бизга овоз чиқариб ўқиб берасан”, дейишар, мен ҳам улар айтганидай далада китоб ўқишни канда қилмасдим. Яна бир қизиқ жиҳати, бузоқларим яйловдан четга чиқиб кетгудай бўлса, дўстларим қайтариб келарди. Бу китоб ўқиб бераётганим учун кичик сийлов эди. Шундай қилиб, Худойберди Тўхтабоевнинг “Қуёнлар салтанати” романини далада ўқиб тугатганмиз.**



Ана шундай бахтли кунларнинг бирида яйловга бир одам келди. Биздан ёши анча катта бу амаки ҳаммамиздан мақсадимиз ҳақида сўраб чиқди. Мен унга болаларча беғуборлик билан ўқишга кириш, отамга машина олиб бериш, катта шоир бўлиш, улкан саҳналарга чиқиб шеър ўқиш каби орзуларим ҳақида айтиб бердим. Амаки менга разм солар экан, “Эй Ўрмон акамнинг ули, нима қиласан хаёлларга берилиб?! Унақа ютуқларга эришиш учун танишинг, пулинг, мансабинг бўлиши керак. Ундан кўра отангга айт, мана бу иккита бузоқни сотиб, қўй олиб берсин. Олтита қўй олсанг, бир-икки йилда йигирматага етади. Оилангга ҳам анчагина даромад бўлади”, деса бўладими! Тенгқурларим олдида қизариб кетдим. Лекин амакига гап қайтаргим келмади. Ич-ичимда “Ҳали кўрасиз, орзуларимнинг ҳаммаси амалга ошади”, деб аҳд қилдим.

Орадан йиллар ўтди. “Ёш китобхон” танлови эълон қилинди. Бу танлов мисолида орзуларим рўёбини кўргандай бўлиб, иштирок этишга қарор қилдим. Танловнинг 2017 йилги туман, вилоят босқичларида биринчи ўринни олдим, аммо республика босқичида омадим келмагани учун эмас, билимим етмагани учун энг охирги ўринга муносиб кўрилдим. Афсус билан уйга қайтдим.

Ўша кунларнинг бирида давлатимиз раҳбарининг “Ёшларимизга имкон берайлик. Улар бир хато қилади, икки хато қилади, барибир ўз йўлларини топиб олади”, деган гапларини телевизорда эшитиб, кўнглим кўтарилди. Танловда яна иштирок этиш умиди пайдо бўлди. Бироқ орада ўқишга кириш масаласи ҳам бор эди. Шундай қилиб, ҳам ўқишга киришга тайёрлана бошладим, ҳам болалар ва ёшлар ташкилотида фаоллардан бири бўлишга ҳаракат қилдим...

Ҳаракатларим бесамар кетмади. Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиздаги саккизта муҳим ислоҳот ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди, десам муболаға бўлмайди. Буларни бир-бир санаб ўтмоқчиман. Аввало, 11 йиллик таълим тизими тиклангани жуда кўплаб ёшларга қулайлик яратди. Мактаб 11 йиллик бўлгач, жонажон мактабимизда 11-синфни тамомладик ва ўқишга тайёргарлик кўрдик.

2017 йили Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувда давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуддан энг фаол ва истеъдодли бир нафардан — жами 14 ёшга ўз ҳудудидаги олийгоҳларга давлат гранти асосида ўқишга кириш имтиёзи берилиши бўйича таклиф билдирди. Тез орада бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. 2020 йили ана шу имтиёз учун ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, Гулистон давлат университетига давлат гранти асосида ўқишга кирдим.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус илгари сурилди. Ташаббуслар орасида ёш ижодкорларнинг китобини чоп этиш масаласи бор эди. Айнан шу ташаббус доирасида иккита китобим — “Ошиқ шамол” ва “Мен уммон бўламан” шеърий тўпламларим нашр қилинди.

Беш йиллик қайта-қайта уринишдан сўнг 2022 йили “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида 15-19 ёш тоифасида биринчи ўринни эгалладим. Мукофотга берилган машинани отамга совға қилдим.

Зомин ёш ижодкорлар семинари қайта тиклангани бутун мамлакатимиз адабиётсеварларини қувонтирган воқеа бўлди. Тадбир иштирокчиларини саралаш бўйича ҳудудий семинарлар ташкил қилинди. Мен ҳам саралашдан ўтиб, Зомин ёш ижодкорлар семинарида иштирок этдим ва тақдирландим.

Авваллари қизларимиз учун Зулфия номидаги давлат мукофоти бор эди, аммо йигитлар учун бундай мукофот мавжуд эмасди. “Мард ўғлон” давлат мукофоти таъсис этилганини биз, ёшлар катта қувонч билан қарши олдик. 2022 йили адабиёт йўналиши бўйича “Мард ўғлон” давлат мукофотини Президентимизнинг қўлидан қабул қилиб олдим. Давлатимиз раҳбари тақдирлаш чоғида “Ёрқинжон, табриклайман. Менинг номимдан ота-онангга алоҳида салом ва раҳматимни етказиб қўй. Бу, аввало, уларнинг ютуғи”, деди. Очиғи, тадбирдан кейин биринчи қилган ишим онам билан отамга қўнғироқ қилиш ва қарз гапни етказиш бўлди. Хушхабарни уларга етказар эканман, онамнинг овозидан йиғлаётганини сездим.

Президентимизнинг таълимга оид ташаббуслари талабалар учун ҳам манфаатли бўлмоқда. Айниқса, 3-курс талабаларига мактабда педагог сифатида фаолият юритишга имконият яратилгани катта воқеа. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, 3-курслик чоғимда ўзим ўқиган мактабда дарс бера бошладим. Очиғи, ўзингиз таълим олган даргоҳда ўқувчиларни ўқитиш бошқача бўларкан. Қисқа муддатда ўнга яқин ўқувчимиз туман, вилоят, ҳатто мамлакат миқёсидаги танловларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Жадид боболаримиз матбуотга алоҳида эътибор берганини ёдга олиб, мактаб ҳаётининг кўзгуси сифатида “Билимдон” газетасини таъсис этдик. Оддий мактаб газетаси туфайли журналист бўлиш истагидаги ўқувчилар сони кўпаймоқда.

Бугун нафақат ютуқларга эришаётган ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ҳам муносиб рағбатлантирилмоқда. Яқинда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан бир гуруҳ юртдошларимиз “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида қўли меҳнатдан қаварган онам борлиги бир фарзанд сифатида қалбимни тоғ қадар кўтарди. Тақдирлаш маросимида онам “Ўзимиз ўқимадик, аммо боламизни ўқитяпмиз. Бугун замон ўқиганники бўлиб қолди. Президентимиз ўғлим орқали мен билан отасига алоҳида раҳмат айтган, айланайлар”, деб ўз таассуроти билан ўртоқлашди.

Мазкур саккиз воқеани ибрат учун келтирдим. Чунки бугун янги Ўзбекистонда ҳамма бирдек меҳнатига, ҳаракатига яраша рағбатлантирилмоқда.

Яна бир воқеа ҳақида айтмасам бўлмас. Февраль ойида Озарбайжонда халқаро ёшлар форуми ўтказилди. Ўзбекистон номидан иштирок этган уч талабадан бири сифатида мен ҳам имкон қадар фаол қатнашишга ҳаракат қилдим. Туркий тилли давлатлардан келган тенгдошларимиз билан мулоқотда бўлдик...

Бугун янги Ўзбекистон ислоҳотлари ҳаётини нурафшон қилган ёш сифатида мен бахтлиман, деб баралла айта оламан. Бу натижалар билан чегараланиб қолмай, кўпроқ ўз устимда ишлашим, эътирофга муносиб бўлишим керак.

“Ёш китобхон” танловидан кейин уйимизда кутубхона очдик. Бугун қишлоғимиз одамлари ундан фойдаланмоқда. Ҳалиги амаки яқинда уйимизга набиралари билан келиб, китоб олиб кетди. Амаки китоб олганидан шод, мен эса ўзимга берган аҳдимни бажарганимдан хурсанд эдим...



# “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА БИРЛАМЧИ БЎҒИН

**Жаҳонгир НОСИРОВ,**
**Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги Чилтўғон маҳалласи ёшлар етакчиси**



**Маҳалла тизими босқичма-босқич ривожланмоқда, унга қўшимча куч ва имкониятлар бериляпти. Бу, албатта, ҳам ваколат, ҳам масъулият, дегани. Айниқса, “маҳалла еттилиги” ташкил этилгани инсон қадри учун яна бир катта қадам бўлди.**

Илгари маҳалла фаоллари бир-бирининг вазифасини яхши англамагани оқибатида айрим тушунмовчиликлар пайдо бўларди. Энди эса маҳалла ходимлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар фаолиятини баҳолаш тизими ҳам узвий боғлиқ бўлди. Бу билан маҳаллада аҳолига, айниқса, ёшларга катта имконият, шарт-шароит ва тарбия мактаби яратилди.

Илгари ёшлар билан фақат маҳалла ёшлар етакчилари шуғулланган бўлса, энди барча бир ёқадан бош чиқариб, ўғил-қизларнинг камол топишида биргаликда фаолият юритмоқда.

Маҳалла раиси ҳудуддаги ўқувчилар давоматини назоратга олади. Ёшлар етакчиси ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ёшлар бандлигини таъминлайди. Хотин-қизлар фаоли эса мактабдаги ўқувчи қизларнинг таълимга қизиқишини ошириш бўйича амалий ишлар билан шуғулланади. Профилактика инспектори маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирлар ўтказади. Ижтимоий ходим ҳаётий қийинчиликка дучор бўлган ёшларга кўмак кўрсатади.



Олмазор тумани Чилтўғон маҳалласида яшовчи Суннатилла Зулпиев айнан “маҳалла еттилиги” ёрдами билан ҳаётда ўз ўрнини топаётган ёшлардан.

— Тўрт фарзанднинг отасиман, — дейди Суннатилла Зулпиев. — Дастлаб хонадонимизга ёшлар етакчиси келганида ҳаммага ўхшаб келиб кетадиган расмий идора ходими бўлса керак деб ўйлагандим. Етакчи илк суҳбатдаёқ менга янги ғоялар берди. Тўғриси, шунчалик чорасиз эдимки, ўзимни тиклашга ишонмасдим. Ҳатто 26 ёшимгача фуқаролик паспорти олмагандим. Етакчимиз ишни менга фуқаролик паспорти олиб беришдан бошлади. Чилангарлик ҳунарим борлигини билиб, “Ёшлар дафтари” жамғармасидан субсидия асосида зарур ускуналар олишимга ёрдам берди. Ишим бирдан юришиб кетди. Маҳалла фаоллари фарзандларимдан бирини мактабга, иккинчисини боғчага жойлашга кўмаклашди. Ўзимга ишончим ортди, яна янги ғоялар уйғонди. Паррандачиликни йўлга қўйдим. Ёшлар етакчиси ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантиришим учун кредит асосида жўжа очтирувчи инкубатор аппарати олиб берди. Бугунги ҳаётимдан розиман, чунки фарзандларимнинг усти бут, қорни тўқ. Энди билсам, маҳалла ходимлари биргина менга эмас, бошқа тенгдошларимга ҳам анча ёрдам кўрсатаётган экан. Қисқаси, мамлакатимиздаги ислоҳотлар натижаси бизнинг хонадонимизда сезилди...

Маҳалладаги ёшларнинг билимли, комил инсон бўлиши, айниқса, қизларнинг олий таълим олиши учун бор имконият ишга солинмоқда. Оилада биргина қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Маҳалла хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳамкорлигида кам таъминланган, эҳтиёжманд, тўлиқсиз оилада тарбия топган ҳамда ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг қизларига алоҳида квота билан грант асосида олий таълим муассасасига киришига тавсия берилмоқда.

— Отам болалигимда вафот этганидан кейин онамнинг қарамоғида қолганман, — дейди Соҳибахон Ғоипова. — Бундан икки йил аввал мактабни тамомлагандим, ўшанда етарли билимга эга бўлмаганим сабабли олийгоҳга кира олмадим. Отам йўқлиги учун онамга оғирлигим тушмасин деб талаба бўлиш орзусидан кечгандим. Айни шундай кунларда уйимизга ёшлар етакчиси келди ва мендан нима иш билан шуғулланаётганимни сўраб-суриштирди. Ёшлар етакчисига таълимнинг кейинги босқичини нега давом эттирмаганимни айтдим. У имтиёз асосида олий ўқув юртига киришим мумкинлигини айтганида қувониб кетдим. Онлайн ариза топширишимга кўмаклашди. Тўғриси, бундай имтиёзларга кўп ҳам ишонавермасдим. Шунга қарамай, ўзим орзу қилган Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топширдим. Буни қарангки, нуфузли университет талабасига айландим. Бугун мазкур олий ўқув юртининг иккинчи босқичида таҳсил олмоқдаман. Бу ютуқларимда маҳалламиз ходимларининг ҳиссаси беқиёс.

Президентимизнинг “Мен ёшлар етакчилари тимсолида бўлажак ҳокимлар ва вазирларни, йирик банк ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар лидерларини кўраман”, деган сўзлари маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчиларига катта куч бағишламоқда.

Ёшларнинг ҳар бир ютуғини ўз ютуғи деб биладиган ёшлар етакчилари маҳалла фуқаролари ўртасида ҳам ҳурмат қозонган. Тўғри-да, бирининг фарзандига контракт тўлашда ёрдам берса, бошқасининг фарзандини спорт тўгарагига жалб қилса, яна қайсидир тенгқурининг ишга жойлашишига кўмаклашса...

Йигит-қизларнинг орзу-истакларини маҳалладаги ёшлар етакчиси яхшироқ билади. Қайси маҳаллада ёшлар етакчиси ўз номи билан етакчи бўлса, “маҳалла еттилиги” билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатса, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олса, ўша маҳаллада нохуш ҳолатлар кам, ҳудуд фаровон, оилалар тинч, ёшлар эса бахтли бўлади.

# “ЖАСОРАТ МАКТАБИ” НАМУНАЛИ ФАРЗАНД БЎЛИШГА УНДАЙДИ

**Сардор (исми ўзгартирилган) оилада икки қиздан сўнг туғилган ёлғиз ўғил. У дунёга келганида ота-онаси жуда қувонган. Шу сабаб доим уни эркалатишар, айтганини бир зумда ҳозир қилишга интилишарди. Бу эса унинг тантиқ ва эркатой бўлиб улғайишига замин яратди.**
**Мактабга чиққанида тенгдошларига нисбатан башанг кийинадиган, бошқалардан устун бўлишга интиладиган бўлди. Бу одат аста-секин кучайиб бораверди. Отаси ўғлининг келгусида яхши инсон бўлиши учун астойдил меҳнат қилар, аммо бир муддат бўлса-да мактабдаги ўқиши, юриш-туриши билан қизиқмасди.**

Сардор 5-синфга ўтганида деярли ўқимай қўйди. Ўқитувчиларининг огоҳлантириши ҳам бесамар кетди. Бу ҳолат давом этаркан, охири отасига айтишга мажбур бўлишди. Аммо ота ҳам буни тўғри қабул қилмади. Аксинча, ўғлининг тарбиясидаги нуқсонларда ўқитувчиларни айблади.

Оқибатда Сардорнинг хулқида салбий ўзгариш сезила бошлади. Бу ҳолат, айниқса, у 9-синфга ўтганида янада билинди. Энди у текканга тегиб, тегмаганга тош отадиган ўсмирга айланганди. Кунора ўртоқлари билан уришиб, уст-боши бир аҳволда уйга кириб келиши оиласидагиларни ҳам хавотирга сола бошлади. Лекин қанча танбеҳ берилишига қарамай, барибир фойдаси бўлмади. Ўсмир бир амаллаб мактабни тугатгач, ўқишга кириш тараддудига тушди. Бироқ тест саволларига жавоб топишда қийналди. Ўқишга киролмагач, бекорчи бўлиб қолди. Бирор жойда ишлай деса, қўлида ҳунари йўқ. Ўзи тенги бекорчиларга қўшилиб, майда безорилик содир қилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тегишли чора кўрди. Шундан сўнг ўсмир профилактика рўйхатига киритилди.

Яқинда маҳалла ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори Сардорни йўқлаб борди. Доимгидек назорат суҳбати учун сўраб келишди деб ўйлаганди. Ундай бўлмади. Йигитни қисқа муддатли ўқишга таклиф қилиб келишибди. Ҳали тушуниб-тушунмай турган Сардор кўпчилик қатори “Жасорат мактаби” аъзолигига қабул қилиниб, ўн кунлик ҳарбий ўқув йиғинига жўнатилди.

Хавфсизлик кенгашининг ўтган йил 13 январда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида қатор муҳим вазифалар белгилаб берилганди. Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш учун ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари, Қашқадарё вилояти ҳокими ташаббуси билан “Жасорат мактаби” лойиҳаси йўлга қўйилди.

Лойиҳа доирасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, вилоятда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ички ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турувчи ёшлар “Жасорат мактаби”га жалб этилди. Жорий йил июнида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисмда юқори савияда ташкил этилган 10 кунлик ўқув йиғинида 100 нафар ёш иштирок этди.

— “Жасорат мактаби”да кўп нарса ўргандик. Дастлаб вақтимизни шунчаки беҳуда сарфлаб, ўн кунни ўтказиб келамиз, деган ўйда эдим, — дейди қаршилик Сарвар Асилов. — Лекин ундай бўлмади. Шу қисқа муддатда бир олам таассуротга эга бўлдик. Айниқса, ҳарбийлар ҳаёти, юриш-туриши, овқатланишидан тортиб, бажараётган вазифаларигача яқиндан танишиб, амалда бажаришга ҳаракат қилдик. Вақтимиз бекор ўтмади. Шу пайтгача ватанга муҳаббат, деган тушунчани унча яхши англамагандик. Ўзимизча мард йигитмиз, дея кўчада юрганимиз билан бу туйғуни юракдан ҳис қилиш керак экан. Юртни асраш ҳар бир эркакнинг бурчи эканини, йигит киши мард ва жасур бўлиши лозимлигини тушундик. Тўғрисини айтсам, менга бу ўқув йиғини жуда маъқул келди. Энди ҳарбий хизматга бориб, йигитлик бурчимни ўташни мақсад қилдим. Ҳарбий либос кийиб, мамлакатимиз сарҳадини муносиб ҳимоя қилиш қанчалик шарафли эканини сўз билан таърифлаш қийин. Кейинчалик ҳам элимиз учун энг намунали фарзанд бўлишга аҳд қилдим.

“Жасорат мактаби” ўқув йиғинида ёшлар, асосан, ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишиб, ўзлари ҳам амалиётда иштирок этди. Шунингдек, турли ватанпарварлик ғоялари сингдирилган тадбирларда қатнашиб, фильмлар томоша қилишди. Спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, ёш китобхон танловларида беллашишди. Иштирокчиларга ҳарбий сафланиш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш қоидалари ўргатилди. Шу билан бирга, малакали тренерлар бошчилигида бизнес асослари, тадбиркорлик бўйича семинарлар ташкил этилди.

— Ушбу лойиҳа ёшларнинг кўп билим ва кўникма олишига имконият яратиш билан бирга, ҳаётга қисқа муддатли тайёрлов мактаби вазифасини ўтади, — дейди Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси катта офицери Акмал Ҳакимов. — Бунинг учун ҳарбий қисм офицерлари, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари яхши ташаббус кўрсатди. Ўн кунлик ўқув йиғинида қатнашувчиларнинг нималарга қизиқиши, муаммолари ҳам ўрганилди. Шундан хулоса чиқариб, айрим ёшларга керакли кўмак берилиши, касб-ҳунарга ўқиш истагида бўлганларга шароит қилиниши ҳамда тадбиркорлик ниятидагиларга кредит ажратилиши борасида режалар тузиб олинди. Ҳозир шу бўйича ишлар бажарилмоқда. Асосийси, жараёнда ёшлар хулқида ижобий ўзгариш қайд этилиб, ўз оиласига, ота-онасига, юртга муҳаббати янада ортди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Жасорат мактаби” ўқув йиғини якунида намунали хулқи, ташаббускорлиги, интилувчанлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлган иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалар топширилди. Шу билан бирга, ҳар бир иштирокчига Ёшлар ишлари агентлигининг махсус сертификати тақдим этилди. Мазкур сертификат ёшларнинг ИИБ профилактик назоратидан чиқарилиши учун имконият яратади.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Йўл бошида



# ШУ ОНА ТУПРОҚНИ КИМ СЕВАР КЎПРОҚ?..

**Ёш ижодкор Ҳасан Асраев билан қачон суҳбатлашсангиз, ҳали саломлашиб улгурмасингиздан айни пайтда мутолаа қилаётган асари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлай бошлайди. Айниқса, жадид боболаримиз ҳақида гап очилса, кўзлари чақнаб, юзлари шу қадар ёришиб кетадики, илм-маърифатга ташна қалби кўз олдингизда кафтдек намоён бўлади гўё...**



— Абдурауф Фитрат мақолалари ва асарларининг ҳар бир саҳифасини шошилмай, сўзларнинг мағзини чақиб ўқишга ҳаракат қиламан. “Ошиқмаган овчи ҳумо овлар” деганларидек, синчиклаб ўқиганим сайин турфа ҳикматларни кашф этавераман. Масалан, Фитрат домла “Юрт қайғуси” бадиасида *“Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали. Эл кўзин олған қоронғу пардаларни йирткали. Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари, Тўпланайлик, турк элиға тўғри йўллар очқали”*, дейди. Бундай сўзларни англаган қалблар, албатта, илм зиёсига талпингувчи маърифат арслонлари бўлиб камол топиши шубҳасиздир.

Президентимизнинг Тошкент шаҳридаги 1-Мурувват уйига ташрифи чоғида ҳам ёш шоир шу каби ўтли мулоҳазаларни билдириб, шеърларини катта ҳаяжон билан ўқиб берди. У давлат раҳбари билан суҳбатда юртимизда адабиётга улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани, барчага, хусусан, ёшларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

— Ўша кун ҳаёт дафтаримдаги энг мунаввар ва қутлуғ кун сифатида муҳрланиб қолди. Гарчи имкониятим чекланганига қарамай, мен ҳам ҳаётда ўз ўрнига эга инсон эканимни ҳис қилдим. Имом Ғаззолий Ҳазратларининг “Бало фақат гуноҳ ва куфрдан келади. Мусибатлар асло бало эмас, сабр қилсанг, уларнинг ичида сен билмайдиган яхшиликлар бордир” деган ҳикматини эслаб кўзларимга ёш келди.

Дарҳақиқат, инсон сабр ила жоҳиллик зулматидан чиқади. Қолаверса, сабр бора-бора мўмин инсон қалбидаги зиёга айланади. Бизни ўз шахсий кутубхонаси томон бошлаб бораётган ижодкорнинг юзлари ва кўзларида ана шу зиё порлаб турганини сездик.

— Алишер Навоий Ҳазратларининг 20 жилдли сайланмаси энг ноёб хазинамдир. *“Тил ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Чучук тил аччиққа айланса, кўпчиликка зарари тегади, қанддан май тайёрланса, ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир, болалар учун мулойим табиатли одам ҳалвофуруш каби севимлидир”*, дейилади мутафаккир ҳикматларида. Бу асарларни ўқиганим сайин хира тортиб бораётган кўнглимга нур ёғила бошлайди. Шундай онларда синовлар қошида иродаси сўниб бораётган имконияти чекланган тенгдошларимга, дўстларимга Навоий бобомизнинг сўз уммонидан терган гавҳарларимни улашгим келади, — дейди Ҳасан Асраев.

Ёш ижодкор Ҳасан Асраевнинг “Эзгу ният” шеърлар тўпламини варақлар эканмиз, у нисбатан ёш бўлса-да, катта мавзуларни қаламга олаётганига гувоҳ бўлдик. Унинг ёзганлари, асосан, Ватан, мустақиллик, миллат, устозлар, юрт ҳимоячилари ҳақида. Ҳасан мавзулар доирасида катта фикр, кенг мушоҳада юритишга уринади:

*Шу она тупроқни*
*Ким севар кўпроқ?*
*Ким она тупроққа*
*Биздан яқинроқ?*

— Шеър, шоирлик орзуси, бу орзу йўлида ҳар куни сўз билан, ҳар куни ўзи билан, ҳар куни сабр-бардош билан курашиш ва уларнинг ҳаммасидан устун келиш, майда хоҳиш-истаклар устидан ғолиб бўлиш, ниятга ва ўзига бўлган ишончни, янги-янги катта-кичик, паст-баланд довонларни забт этган, турли тўсиқ-ғовларни енгиб ўтган ҳавасни йўқотиб қўймаслик... осон иш эмас. Ана шу енгил бўлмаган ишда Ҳасан Асраев белни маҳкам сириб боғлаган, — дейди матонатли қалб соҳибининг битиклари ҳақида таниқли шоир Салим Ашур.

Гап айланиб жадид боболаримиз жасорати, шиддати ва илм-маърифатга ташналиги мавзусига тақалди. Ҳасан Асраев куйинчаклик билан мулоҳаза билдирди:

— Беҳбудий бобомиз мақолаларида “Фурсат кетиб боряпти, биз қолоқлашиб кетдик, янгиликка интилишимиз, ўзлаштиришимиз лозим. Қолоқлигимиз туфайли биз мустамлакага айландик, бизни тобе қилиб олишди. Энди ўтмишимиз буюк, деб юравермасдан, хатоларимиздан тўғри хулосалар чиқаришимиз, ривожланиш йўлларини излашимиз керак. Бошқалар ҳам бизни ҳурмат қилиши, улар билан тенг мавқеда мулоқотга киришишимиз, мусулмонлар манфаатлари ҳимояси учун нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида бош қотириш вақти келди” деган ғояларни илгари суради. Давраларда мен бир ҳолатга гувоҳ бўлганман. Зиёли инсон ёш бўладими, кексами, эл-юрт, ватан равнақи учун фойдали ғоя учун курашади, бироқ қалбида маърифат зиёси йўқ инсон ҳар қандай ёшида ҳам бу масъулиятни ҳис қилмайди. Бундай инсонларга раҳмим келади.

Теран нигоҳли замондошимизнинг бу сўзлари қалбимизга равшанлик бахш этди. Имконияти чекланганига қарамай, ўз қалбидаги ҳарорати, муҳаббати ва эзгу ниятлари билан кўплаб замондошларимизга ўрнак бўлса арзийдиган бу йигитнинг ёниқ қалбига ҳавасимиз келди.

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Инсон сабр ила жоҳиллик зулматидан чиқади. Қолаверса, сабр бора-бора мўмин инсон қалбидаги зиёга айланади. Бизни ўз шахсий кутубхонаси томон бошлаб бораётган ижодкорнинг юзлари ва кўзларида ана шу зиё порлаб турганини сездик.**



# Халифа Маъмуннинг ДУНЁ ХАРИТАСИ

**Халифа Маъмун ҳукмронлиги даври Бағдодда интеллектуал соҳалар, жумладан, география жадал ривожланди. Халифа Маъмун олимлар олдига осмон ва ернинг тўлиқ харитасини тузишни вазифа қилиб белгилаган эди. Ушбу лойиҳада икки гуруҳ астрономлар юлдузларнинг жойлашуви асосида жанубий кенгликдан шимолгача бўлган масофани арқон билан ўлчади.**

## Мозийга назар





**Хуршида НОСИРОВА,**
**“Ўзбекистон тарихи” телеканали муҳаррири**

Лойиҳада иштирок этган олимлар орасида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳам бор эди. Ал-Хоразмий бу ишларга бевосита раҳбарлик қилган. У харитада 545 та шаҳарнинг кенглик ва узунлик координаталарини, шунингдек, тоғли ҳудудлар, ороллар, денгиз ва бошқа бир қанча ўзига хос хусусиятларни муваффақиятли кўрсатган.

Шунингдек, ал-Хоразмий аббосийлар ҳомийлиги остидаги ҳудуддан ташқарида жойлашган шаҳарларнинг ҳам кенглик ва узунлик координаталарини санаб ўтган. Бундан ташқари, жамланган маълумотлар асосида жуғрофияга оид “Китоби сурат ал-арз” асарини яратган. Хариталар “Мажмуи ал-Маъмун” (“Дунё харитаси”) номи билан юритилган ва 840-йиллар атрофида ниҳоясига етказилган.

Китобдан ташқари бизнинг давримизгача ал-Хоразмийнинг тўртта харитаси етиб келган. Улар орасида Азов денгизи ҳавзаси харитаси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу харитада Азов денгизининг шимолий йўналиши кўрсатилган. Ал-Хоразмийдан олдин ва ундан кейин узоқ вақт давомида дунё географлари ўз маълумотларида ҳавзанинг фақат жанубий қисмини кўрсатган, холос.

Нил дарёси харитасини тузиш жараёнида олим бу дарё оқимининг ўзига хос хусусиятларини яхши билганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳаттоки у бу улкан минтақанинг иқлим чегараларини ҳам харитага туширган.

Ал-Хоразмийнинг учинчи харитаси “Қимматбаҳо ёқутлар ороли” деб номланган бўлиб, унда ҳар томондан тоғлар билан ўраб олинган орол тасвирланган.

Ниҳоят, тўртинчи харитада денгиз қирғоқларининг турли контурлари берилган.

Ал-Хоразмийнинг “Китоби сурат ал-арз” асари кейинги асрларда узоқ вақт давомида Ғарб ва Шарқ харитачуносларига дарслик вазифасида хизмат қилган. Ушбу китобда келтирилган маълумотлар эса Марказий Осиё ҳақидаги ишончли манба ҳисобланади.



“Байт ул-ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) таркибига олимлар ва академиклар жамияти, таржима бўлими ва аббосийлар томонидан асрлар давомида тўпланган билимлар сақланадиган кутубхона кирган. Шунингдек, улар алкимёни тадқиқ қилдилар ва ўргандилар. Кейинчалик у замонавий кимё фани асоси бўлди. Бундан ташқари, астрономик расадхоналар ва бошқа йирик экспериментал мажмуалар ҳам у билан боғлиқ бўлган.

Маъмун ўз даврида олимларга Арасту, Гален, Эвклид, Птолемей, Гиппократнинг айрим қўлёзмаларини таржима қилдиради. Шунингдек, Византияни мағлубиятга учратгач, у ердаги кутубхонада сақланган нодир китобларнинг бир нусхасини Бағдодга олиб келган. Китобларнинг деярли барчаси араб тилига таржима қилинган. Бундан кўринадики, олимлар, хусусан, ал-Хоразмий бир неча маданиятлар қоришувидан яратилган ва жамланган билимларнинг барчасидан фойдаланиб, “Ал-Маъмун дунё харитаси”ни тузади.

Ал-Хоразмий яратган географик мезонлар Птолемей таълимотига асосланган эди. Унга кўра, Ер юзасининг етти иқлим зонасига бўлиниши ўша вақтдаги харитани яратишда муҳим омиллардан бири бўлган. Птолемей харитани яратиш ва горизонтал чизмада Ернинг сферик юзасини тасвирлаш усулини аниқ тушунтирган. Шунингдек, у олимларнинг ёдномалари ва саёҳатлари асосида дунёда топилган жойларнинг кенглик ва бўйлама чизиқларига таяниб, уларнинг жойлашуви ва координаталарини тахмин қилган ҳолда санаб ўтади. Маҳаллий ҳудудларнинг Птолемей томонидан яратилган қатор хариталари каттароқ масштаблар, шунингдек, кириш нуқталарининг батафсил ҳисоб-китоблари билан бирга ишлаб чиқилган. У дунёни Европа, Африка ва Осиёдан иборат учта қитъага ажратди.

Птолемей тузган харитадан II аср олимларининг билим даражасини аниқлашимиз мумкин. Милоддан аввалги бу хариталарда шамол йўналишини кўрсатиш учун ўн иккита шамол йўналишидан фойдаланилади. Улардан тўрттаси шамолнинг асосий йўналишига, яъни шимол, жануб, шарқ ва ғарбга тенг. Уларнинг ҳар бири орасидаги фарқ 30° эди. Бу шуни англатадики, у фойдаланган тизим қуёш чиқиши ва ботишига асосланган. Бундан ташқари, Птолемей Ерни экватор атрофида 360° га бўлиш усулини қўллаган. Буларнинг барчаси “Ал-Маъмун дунё харитаси” яратилишига катта ҳисса бўлган.

VII-VIII асрлар орасидаги мусулмон савдоси денгиз ва қуруқлик орқали Хитойга, жанубда Африканинг узоқ соҳиллари, жумладан, Занзибарга, шимолда Россияга етиб борди, ғарбда эса мусулмон денгизчилар Атлантиканинг номаълум ва даҳшатли сувлари билан тўқнашди. Уларнинг дунёвий билимлари харитачунослик уфқларини кенгайтиришга ёрдам берди. Бу эса ислом цивилизацияси устунларидан бирига тамал тоши бўлди.

Араб астрономлари Грецияда тўхтаб, кузатишларни ўша ерда давом эттирди. Улар Бағдод ва Дамашқда ўтказилган кузатишлар натижасида меридиан ёйини ўлчаб, сўнг такомиллашган астрономик асбобларни қуриб, расадхоналарга асос солган.

Маъмун томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича Ернинг диаметри 12 минг 804 километр масофа бўлган. Кейинги давр олимлари томонидан олинган ўлчов 12 минг 744 километр, 2007 йилдаги энг сўнгги кашфиёт эса 12 минг 756 километрни кўрсатмоқда.

Ислом цивилизациясида харита ихтироси халифа Маъмун ҳукмронлиги давридаги “Байт ул-ҳикма” олимларининг юксак ақл ва заковат соҳиби бўлганидан далолатдир. “Ал-Маъмун дунё харитаси”нинг 1340-1341 йилларда Ибн Фазлаллаҳ ал-Умарий томонидан кўчирилган нусхаси ҳозир Истанбулдаги Тўпқопи сароймузейи коллекциясида сақланмоқда.

Дарҳақиқат, халқимизнинг тарихи шавкатли, шарафли ва буюкдир. Бунда буюк аждодларимиз ҳиссаси беқиёс. Уларсиз дунё тамаддуни ҳам ҳозирги даражада бўлмас эди.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2216
44065 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 02:25 Топширилди — 03:00